МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ!

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

MILLIY tiklanish

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

www.mt.uz / milliytiklanish2022@umail.uz

ISSN 2010-7714

№ 7 (1156) 2022 йил
23 февраль, чоршанба

159-МОДДА УЧУН КУРАШ ҚИЗҒИН КЕЧДИ

ЁКИ «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ЧИЛАРНИНГ 50 БАРОБАРЛИК ЖАРИМАГА ҚАРШИ ЧИҚҚАНИ ТЎҒРИСИДА

2с

ҚАЧОН ЗИЁ ПАЙДО БЎЛАДИ?

4с

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ БИЛАН

30 мингдан зиёд ногиронлиги бўлган болаларни парвариш қилувчи оналар учун

378,4 МИЛЛИАРД СЎМ АЖРАТИЛАДИ

3с

4

ШАРТНОМА ИНТИЗОМИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК БЕКОР ҚИЛИНМОҚДА

«НАВОИЙ ТИЛИ ЛУҒАТИ»НИНГ ИККИНЧИ ЖИЛДИ НАШР ЭТИЛДИ

Беш томлик луғатнинг иккинчи жилдида тўрт мингга яқин бош сўзнинг изоҳи ва мисоллари ўз аксини топган.

5

ТАРЖИМОН ЎҚИТУВЧИГА НОУТБУК ТОПШИРИЛДИ

Танловга жами 840 та таржима келиб тушган. Шундан саралаб олинган 257 та ижодий иш ҳакамлар ҳайъатига кўриб чиқиш учун тақдим этилган.

6

МАЛОҲАТДА ТЕНГИ ЙЎҚЛАР

Бобурий маликаларнинг беқиёс ҳусну латофатидан ташқари, ақлу заковати, ҳам сиёсий, ҳам маънавий жиҳатдан тенгсиз бўлганлигини билармидингиз?

3,5 МИЛЛИОН ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ

КЕЙИНГИ 5 ЙИЛДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЙЎНАЛИШИДА

2с

УМИДИМИЗ ЯНГИ ВАЗИРДАН

5с

НАТИЖАЛАР ҚАНДАЙ?

3с

Паркент маҳаллаларида ёшлар билан ишлаш ҳолати ўрганилди

Фарғоналик аёлнинг

АЯНЧЛИ тақдири

6с

«ЎҚИТУВЧИ – ШУБҲАЛИ ШАХС»

7с

2022 йилнинг 22 февраль санасидан

1 АҚШ доллари 10888.07. 1 ЕВРО 12373.20. 1 Россия рубли 141.57. 1 Англия фунт стерлинги 14846.97. 1 Япония иенаси 94.79.

2023 йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида ҳаракатлар бошланди.

fb.com/milliytiklanish.gazetasi
t.me/milliy_tiklanish_gazetasi
www.mt.uz
e-mail: milliytiklanish2022@umail.uz

«Milliy tiklanish»
ижтимоий-сиёсий газетаси
www.mt.uz
№7 (1156)
23 февраль 2022 йил, чоршанба

159-МОДДА УЧУН КУРАШ ҚИЗҒИН КЕЧДИ

ЁКИ «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ЧИЛАРНИНГ 50 БАРОБАРЛИК ЖАРИМАГА ҚАРШИ ЧИҚҚАНИ ТЎҒРИСИДА

22 февраль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида «Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида», «Давлат мулкини бошқариш тўғрисида», «Кўп квартирали уйларни бошқариш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Мажлисда қулай инвестициявий муҳитни яратиш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилган «Давлат мулкини бошқариш тўғрисида»ги қонун лойиҳасига кўпчилик депутатлар томонидан эътирозлар билдирилиб, айрим моддаларни қайта ишлаш ва маромига етказиш бўйича таклифлар илгари сурилди. Шундан келиб чиқиб, ушбу қонун лойиҳаси масъул қўмитага қайтарилди. «Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида» ва «Кўп квартирали уйларни бошқариш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари эса учинчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисда «Миллий тикланиш»чилар «Кўп квартирали уйларни бошқариш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида фракция таклифлари инобатга олингани учун лойиҳани бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

Хўш, ушбу таклиф нимадан иборат эди?

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бир кун аввал, фракция йиғилишида мазкур қонун лойиҳасининг айрим нормалари устида 3 соат ташаббускорлар ва фракция аъзолари ўзаро баҳс юритган эдилар.

Қонун лойиҳасида атрофлича муҳокамага сабаб бўлган нормаларга тўхталишдан аввал партия фракциясининг янги тажрибаси ҳақида фикр билдириб ўтсак.

Кейинги пайтларда фракция аъзолари ўз йиғилишларида қонун лойиҳаларининг қуйи палата ялпи мажлисига киритилгунга қадар барча саволларга жавоб олишга, яъни керак бўлса, ташаббускорлар ва мутахассисларнинг «пўстаги қоқилгунча» баҳс қилмоқдалар.

Маълумки, айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлислари телеканаллар ҳамда ижтимоий тармоқларда тўғридан-тўғри намойиш этилмоқда. Табиийки, бундан айрим депутатлар «оқилона» фойдаланиб, ижтимоий тармоқларда «мем» қилишга уринмоқдалар.

Аммо айрим депутатларнинг тўғридан-тўғри эфирдан фойдаланиб, ялпи мажлисда 4-5 маротаба сўзга чиқишлари сайловчиларга ўзини кўрсатишдан бошқа нарса эмас. Бу билан депутатлар фаоллик кўрсатмасинлар, сайловчи мафаатини ўйлаб, талашиб-тортишмасинлар, деган фикрдан йироқмиз. Аксинча, ҳар қанча ўринли ва асосли таклиф бўлса, баён қилишлари лозим. Аммо булар партияларнинг фракция йиғилишларида маромига етказилса, ялпи мажлис иштирокчиларининг қимматли вақтлари тежалган бўларди.

Энди фракция йиғилишига қайтсак: ташаббускорларнинг «Кўп квартирали уйларни бошқариш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар депутатларни қаноатлантирмади.

Яъни, ушбу модда «Кўп квартирали уйлардаги таянч ва тўсиқ конструкцияларини қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни бузган ҳолда ўзгартириш ёки реконструкция қилиш, шу жумладан, кўп квартирали уйлар ва кўп квартирали уйга туташ ер участкасида ўзбошимчалик билан қурилмалар қуриш ишларини амалга ошириш, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари, мансабдор шахсларга эса 50 баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади» деган норма билан тўлдирилмоқда.

Бунда депутатларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлган масала кўп квартирали уйлардаги таянч ва тўсиқ конструкцияларни ўзгартириш ёки реконструкция қилиш учун жавобгарлик бир хил эканлигидадир. Маълумки, кўп квартирали уйларда таянч деворлар билан бирга ҳеч бир юкламага эга бўлмаган тўсиқлар ҳам бор. Оддий тўсиқларни ўзгартириш бино хавфсизлиги, зилзилага чидамлик даражасига катта таъсир кўрсатмайди. Аммо таянч деворларни ўзгартириш бино мустаҳкамлигига жиддий хавф туғдиради ва ҳатто паст балли зилзилаларда ҳам бинога путур етишига сабаб бўлиши мумкин. Мана шу икки ҳолатда ҳам хонадон мулкдорларига бир хил жарима қўлланилишини фракция аъзолари нотўғри, деб топдилар. Шунинг учун ҳам ушбу нормадан «тўсиқ» сўзи олиб ташланган тақдирдагина, қонун лойиҳасини маъқуллашларини билдирдилар.

Узоқ тортишувлардан сўнг, фракция аъзоларининг фикри қабул қилинди. Яъни, энди айбдор қилмишига қарабгина жаримага тортилишига келишиб олдилар. Бошқача айтганда, жарималар миқдори бинога етказилган зарарнинг хавфлилик даражасига қараб белгиланадиган бўлди.

Албатта, бунинг негизида миллионлаб фуқароларнинг манфаатлари мужассам. Асосий мақсад – аҳолини жаримага тортиш эмас, балки хавф-хатарнинг олдини олиш бўлиши керак.

Дониёр ТОШБОЕВ,
партия Марказий кенгаши бўлим бошлиғи

Қадрланган одам – қодир одам

2022 йилимиз «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла» йили деб эълон қилинганида жуда катта ҳикмат кўрдим. **«ҚАДР»** сўзи иккита сўзга қондошдек, туюлади менга: ҚАДАР ва ҚОДИР.
Қадр – тутган ўрин, эътироф, иззат.
Қадар – ёзиқ, қисмат, тақдир.
Қодир – куч-қувват, қудрат деган маъноларни англатади.
Ушбу ҳар учала сўз бирлашиб, бир-бирига куч касб этишини ўйласак, ҳайратли ҳодиса рўй беради. Қадрига етилган, қадрланган инсоннинг неларга ҚОДИР эканлигини ва бу икки ҳолат унинг ҳатто ҚАДАРини-да, қанчалар ўзгартириб юборганлигининг шоҳиди бўлганмиз. Инсон қадри юксалганда, унга шижоат, ғайрат, илҳом, завқ ёрдамга келади. Ухлаб ётган томиридаги ҚОДИРлик лашкарлари уйғонади. Қалбида ғурур, бахт қуёши ёнади. У энди ҳасадни, ғийбатни, надоматни, ялқовликни унутади. Тафаккурининг пучмоқлари ғоялар билан тўлади. Ғоялар эса марралар сари етаклайди. Инсониятга ғоялар керак, марралар, ғалабалар, натижалар керак! Зеро, мақсадсиз умр, чироқсиз тун, сувсиз қудуқ кабидир.
Сенинг кимлигингни ёнингдаги одамлар билади. Қадрингни қадари ана ўшаларнинг қўлида.
Демак, бир оз ҳушёр ва холис, хайрихоҳ ва инсофли бўлсак ва айниқса, Юртбошимиз айтганлари каби бағри кенгроқ бўлсак бас! **ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНАВЕРАДИ!**

Фарида БЎТАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, шоира

КЕЙИНГИ 5 ЙИЛДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЙЎНАЛИШИДА

3,5 МИЛЛИОН ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИда миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш устувор вазифалар белгиланиб, улар ижросини таъминлашга бирламчи эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, иқтисодиётда барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни – 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда Ўзбекистонни «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига киритиш кўзда тутилган.

Шунингдек, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва йиллик инфляция даражасини 2023 йилгача босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтириш, давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2023 йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида ҳаракатлар бошланди.

Ҳар бир туман бюджетининг камида 5 фоизини «Фуқаролар бюджети» дастури доирасида аҳолининг таклифлари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфлашни ташкил қилиш тўғрисидаги ташаббус ҳам шубҳасиз, юртимизда инсон қадри ва унинг манфаатларини янада юксалишига хизмат қилади.

Тараққиёт стратегиясида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, фуқароларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга, экспортдаги улушини эса 60 фоизга етказишдек улуғвор мақсадлар ўрин олган.

2026 йилга бориб тадбиркорлик субъектларига солиқ юкламасини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига камайтириш, тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бошлаши учун зарур маълумотларни эркин фойдаланишга чиқариш тўғрисидаги вазифалар белгиланганки, уларнинг ҳаммаси жуда муҳимдир.

Яна бир аҳамиятга молик томони шундаки, Стратегияда ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги 5 йилда хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 бараварга ошириш, ушбу йўналишда жами 3,5 миллион янги иш ўрни яратилиши белгиланган. Бу эса шунча фуқаро доимий иш жойи ва даромад манбаига эга бўлади, деганидир.

Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси ва Орол бўйида экотуризмни ривожлантириш бўйича алоҳида дастурни амалга ошириш, бунда Мўйноқнинг янги аэропорти имкониятларидан кенг фойдаланиш бўйича алоҳида вазифалар ўрин олганки, буларнинг барчаси ҳудудда туризм имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

Руслан ЖУМАМУРАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

MILLIY
ТИКЛАНИШ
ижтимоий-сиёсий газетаси

Чоршанба
23 февраль, 2022 йил
№7 (1156)

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ БИЛАН

30 мингдан зиёд ногиронлиги бор бўлган болаларни парвариш қилувчи оналар учун 378,4 млрд сўм ажратилади

2017-2021 йиллар давомида амалга оширилган ислоҳотларнинг энг катта ютуқларидан бири, шубҳасиз, бу давлат органларининг халқ билан мулоқотга киришгани бўлди.

Фуқароларнинг талаб ва таклифлари инобатга олиниши эса юз бераётган ўзгаришларга нисбатан дахлдорлик ҳиссининг кучаяётганини кўрсатмоқда.

Энг асосийси, халқ билан яқинлик қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорлар, давлат дастурларининг ижроси самарадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. «Инсон қадри учун» тамойили асос қилиб олинган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ҳамда «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»нинг дастлабки кунлариданоқ ногиронлиги бор шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламининг ҳимоясини таъминловчи яна бир қонун имзоланди.

Унга кўра, аёлларга пенсия ҳисоблашда болани парваришлаш таътилида бўлиш вақтининг ҳаммасини жамлаганда иш стажига қўшиб ҳисобланадиган 3 йиллик даври 6 йилга оширилди. Болаликдан ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшгача қаралган даврни пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисоблаш йўлга қўйилди. Чернобль АЭСдаги авария туфайли майиб бўлган ёки касаллик оқибатида III гуруҳ ногиронига айланган шахсларга эса пенсия тайинланадиган бўлди.

Шубҳасиз, бу қонун минглаб кемтик қалбларга оз бўлсада ёруғлик олиб киради. Куни кеча бундай эзгу ҳаракатларнинг давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ногиронлиги бор шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтожлар қатламларини қўллаб-қувватлаш қўшимча чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Ижтимоий йўналишдаги замонавий механизм ва ёндашувларни жорий этишга қаратилган ушбу фармонга асосан 2022 йилнинг апрель ойидан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларга тайинланадиган нафақа миқдори бирхиллаштирилиб, меҳнатга лаёқатсиз 49000 нафар шахснинг ногиронлик нафақасини амалдаги 440 000 сўмдан 622 000 сўмга ёки 41 фоизга ошириш белгиланди. Бундан ташқари, ижтимоий адолатни сақлаб қолиш мақсадида 113 минг кишининг ногиронлик пенсияси ўртача 138 минг сўмга кўпаядиган бўлди.

Энг асосийси, доимий парваришга муҳтож 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болаларни парвариш қилувчи она(ота)ларга минимал истеъмол харажатлардан кам бўлмаган миқдорда (500 минг сўм) ногирон бола парвариши учун янги нафақа жорий этилмоқда.

Фармонда кўзда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш учун 2022 йилда пенсия жамғармаси ва Республика бюджети ҳисобидан 378,4 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган.

Албатта, бу бутун ҳаётини ўз фарзанди парваришига бағишлаб, барча нарсадан воз кечган 30 мингдан ошиқ ногиронлиги бўлган болаларни парвариш қилувчи оналар учун давлат томонидан берилаётган эътибордир.

Бир сўз билан айтганда, соҳада амалга оширилаётган ишлар ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий ёрдамнинг замонавий механизмларини амалга оширишда янги ёндашувларни жорий этишга хизмат қилади.

Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари

Ёшлар ҳузурида

НАТИЖАЛАР ҚАНДАЙ?

ПАРКЕНТ МАҲАЛЛАЛАРИДА ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ ҲОЛАТИ ЎРГАНИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Тошкент вилояти маҳаллаларида Республика ишчи гуруҳи томонидан ўрганишлар олиб борилди.

Маълумки, кейинги йилларда депутатлар фаоллиги ҳам ошди. Хусусан, кўпчилик уларга давлат ва жамият ўртасидаги «кўприк» сифатида қарай бошладилар.

Ўтган ҳафта маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Одилжон Тожиев ҳам жойларга чиқиб, мутасадди ташкилот вакиллари билан сайловчиларни ўйлантираётган масалаларни ўрганди.

Депутат дастлаб Тошкент вилоятининг Паркент туманида бўлиб, маҳаллаларнинг айни пайтдаги фаолияти ҳамда ҳудуддаги ёшлар етакчиларига яратилган шарт-шароитлар билан танишди. Шунингдек, маҳалла ҳудудида жойлашган таълим муассасалари ҳолатини ўрганди. 54-умумтаълим мактабида эса «Давлатобод», «Тожиевой Ризаев», «Истиқлол» МФЙларида яшовчи аҳоли вакиллари билан суҳбатлашди.

Сайёр қабул тарзида ўтган учрашувда туман ҳокими Шоҳруҳ Шоаҳмедов, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати Гавҳар Ризаева, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Муҳайё Аҳмедова, «Миллий тикланиш» демократик партияси вилоят Кенгаши масъул вакиллари ҳамда тегишли ташкилотлар масъуллари иштирок этдилар. Учрашувда Заркент қишлоғи аҳолисини тоза ичимлик суви билан, «Давлатобод» МФЙдаги хонадонларни табиий газ билан таъминлаш, Чустий кўчасига «латок» ётқизиш, ҳудуд аҳолиси учун Маданият маркази қуриш, ҳудуд йўлларини таъмирлаш, шунингдек, 34-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабини чолғу асбоблари билан таъминлаш каби бир қатор муаммоли масалалар муҳокама қилинди.

Фуқаро Ф.Рўзматовнинг газ ҳисоблагич масаласи билан боғлиқ мурожаати эса шу ернинг ўзида ҳал этилди. Фуқаро И.Ризаевнинг ҳудудга алоҳида транспорт йўналишини йўлга қўйиш юзасидан мурожаати ҳам туман ҳокими томонидан назоратга олинди. Фуқаро М.Убайдуллаеванинг тоза ичимлик суви масаласидаги мурожаати ҳам тегишли ташкилотлар томонидан назоратга олиниб, ҳар ҳафтада бир маротаба тоза ичимлик суви етказилишига келишиб олинди. В.Фатхуллаевнинг табиий газ баллонлари ва кўмир етказиб беришдаги муаммоларига ҳам шу куннинг ўзида ечим топилди. Бошқа мурожаатлар ечими юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Одилжон Тожиев томонидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборилади бўлди. Шу куни ёшлар ўртасида миллий қадриятларимизни тарғиб этиш, уларнинг спортга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида 7-умумтаълим мактабида «Маҳалла ёшлари спорт билан» шиори остида маҳалла ёшлари фестивали ўтказилганини айтиш мумкин. Фестивал доирасида спортнинг мини футбол, белбоғли кураш турлари бўйича мусобақалар ҳамда зукко ёшлар ўртасида «Заковат», «Ёш китобхон ва иқтидорли ёшлар учун маҳалла иқтидорлари» каби беллашувлар ташкил этилди. Унда оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Акбар Жўраев ҳам иштирок этиб, ёшларимизни ғалабалар сари руҳлантирди, дейиш мумкин.

Спорт тадбирида муносиб иштирок этган ёшларнинг бир гуруҳи эса туман ҳокимлиги ва сектор раҳбарларининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Туманда олиб борилган ўрганишлар якуни бўйича туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда яна бир бор маҳаллаларда аниқланган муаммолар юзасидан тумандаги сектор раҳбарлари ва туман ҳокимлигининг мутасаддиларига тегишли тавсия ва топшириқлар берилди. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар муаммоларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари фаоллигини ошириш бўйича ҳам қарорлар қабул қилинди.

Қодиржон ТУРҒУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ёрдамчиси

ОБУНА – 2022!
«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!
Обуна индекси 158

fb.com/milliytiklanish.gazetasi
t.me/milliy_tiklanish_gazetasi
www.mt.uz
milliytiklanish2022@umail.uz
«Milliy tiklanish» ижтимоий-сиёсий газетаси
www.mt.uz
№7 (1156)
2 февраль 2022 йил, чоршанба

Маънавият, маърифат ва ижод кесишган нуқтада зиё пайдо бўлади

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Инновацион ривожланиш вазири, академик.

Илм-фанга интилиш, ўз оромидан воз кечиб, янгилик яратишга ўзида куч топа билиш учун эса маънавий етуклик талаб этилади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган».

Дарҳақиқат, маънавият деган қудратли кучнинг моҳиятини, негизини юракдан ўтказиб мулоҳаза қилиб кўрсак, Президент жон куйдириб айтган ушбу сўзлар қандай чуқур маъноларга эга экани ойдинлашади.

Чунки миллий ғоянинг моҳиятини тўлиқ англаб етмаган, эски мафкурани тасаввур қилиб, бунга юзаки қарайдиганлар ҳам йўқ эмас.

Давлат раҳбари нутқини тинглар эканман, ўз-ўзимга «Қани, мен маънавиятни қандай тасаввур қиламан? Ҳақиқий маънавият намунасига ўз ҳаётимда қачон дуч келганман?», деб савол бериб кўрдим ва унга муайян жавоблар топдим.

Ёшлигим қишлоқда кечди. Тоғ ёнбағридаги кичкина еримизда иккинчи экин сифатида картошкадан сўнг маккажўхори экардик. Баъзи йиллари кузатилган қурғоқчилик туфайли экинларни суғоришда сув роса талаш бўларди. Бир куни жўхори роса сувсираб, барглари қуришга ўтибди. Буни кўриб, даҳанага, яъни сув бошига борсам, девдай кишилар сув жанжали билан овора экан. Одамлар орасида нима қилишимни билмай турсам, соч-соқоли оппоқ бир киши «Бугун сув навбати меники», деб ўзанни ўзига буриб олди. Ўшанда бола ёшим билан у кишига «Ия, нега бундай қиласиз? Ахир, бизнинг экинлар сув ичмаса ҳалок бўлади-ку?», деганим ёдимда. Муштдай боладан бундай сўз чиққанига ҳайрон бўлган оқсоқол «Шошманг, ўғлим, кимнинг боласисиз?», деб сўради. Жавобимни эшитиб, бобомни эслаб «Сиз менинг устозимнинг набираси экансиз-ку!», деб бир ариқ сувни мен томонга очиб юборганди. Бобомнинг ҳаққига дуолар қилиб, мен билан еримизгача кеслиб суғоришимга ёрдам берганди.

Ўша маҳалда оқсоқолни шунчаки бир яхши одам экан, деб ўйлаганман, эндиликда ушбу инсон ва унинг эзгу ишида миллий маънавиятимизнинг ҳаётбахш насимидан нафас олганимни англайман. Яъни, оқсоқол устозининг ҳаққи-ҳурмати учун ўз манфаатидан воз кечиб, гарчи экинлари қуриб кетаётган бўлса ҳам унинг авлодига кўмак берган экан. Тўғриси, ўша куни бўйим бир қарич ўсгандек ҳис қилганман ўзимни, ичимда бобомни янада улуғлаганман, у кишига муносиб бўлишга беихтиёр ҳаракат қила бошлаганман. Ўз устозига ҳурмат кўрсатиш, ҳатто унинг авлодларини-да ардоқлаш халқимиз маънавиятининг бир учқунидир. Қаранг, маънавиятимизнинг бетимсол қудратини!

Халқ ҳаётида бундай мисоллар истаганча топилиши кишини жуда қувонтиради. Куни кеча Бухоро давлат университетида ташкил қилинган учрашувимизда давлатимиз раҳбарининг маърузаси юзасидан муҳокама бўлиб ўтди. Маънавият ҳақида сўз борар экан, кимдир янги боғча ва мактаблар қуриш ҳақида сўзлади, яна кимдир кийиниш анъаналаримизга риоя қилишни гапирди.

Зиёли инсонлардан бирининг қуйидаги ҳикояси ҳам ниҳоятда ҳикматли: «Бир пайтлар уй оладиган бўлиб қолдим. Олинадиган уй топилди, эгаси билан нархини келишиб, уч-тўрт кун ичида пулини беришга аҳдлашдик. Айтилган вақтда пулни олиб, сотувчининг ёнига борсам, бошқа бир харидор келиб, гаплашиб турган экан. Иккинчи харидор сотувчига биз келишган нархдан кўра анча кўп пул таклиф қилибди. Сотувчи «Укажон, эр кишимиз, лафзимизни шамолга совурмаймиз», деб унинг таклифига кўнмай, уйини менга ўша арзон баҳога сотди. Бундай мард кишининг тутуми менга бир умрлик сабоқ бўлди...».

Ҳар биримизнинг ҳаётимизда инсонни шакллантирадиган, унинг руҳини кўтарадиган бундай мисоллар кўплаб топилади, муҳими уларни англаб етишимиз керак. Маънавиятимизнинг беқиёс куч-қудратини ёшларга тушунтиришда бу каби мисолларнинг ўрни бўлакча.

Давлатимиз раҳбари маърузаларида шоншарафли тарихимиз, улуғ мутафаккир аждодларимиз ва жадид боболаримизнинг ўрнак бўларли ҳаётидан қайта-қайта мисоллар келтиришининг сабаблари ҳам бежиз эмас. Жумладан, Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг «Қуёшлиқ истасанг касби камол эт», деган мисраларини ёдга олди.

Англашиладики, маънавий етук шахс – айнан ўз касбини ва шахсиятини камолга етказган киши бўлиб, ундай инсонларни ҳазрат Навоий қуёшга тенглаштирганлар.

Биринчи ва иккинчи Ренессанс даври мутафаккирларининг дунё тараққиётини ўзгартириб юборган кашфиётлари негизида ҳам Президент эътибор қаратган юксак маънавият турибди, албатта. Бу – нафақат маърифат ва маънавият муассасаларига, балки барча соҳаларга бирдай зарур бўлган жуда муҳим фазилатдир.

Давлатимиз раҳбарининг сўзларидан маънавият – кишини қаҳрамонликларга, фидокорликка етаклайдиган, инсонни камолотга етказувчи, юксалтирувчи улуғ қудрат экани яққол аён бўлади.

Шу нуқтаи назардан қарасак, икки мустаҳкам таянч – кучли иқтисодиёт кўмагида барқ урадиган кучли маънавият юртдошларимиз, айниқса, ёшларимизни Президент белгилаб берган «Миллий тикланишдан миллий юксалишга» ғояси атрофида тўлақонли жипслаштиришига, янги ва эзгу марралар сари илҳомлантиришига шубҳа йўқ.

Юртбошимиз томонидан бу борада амалга ошириладиган ишлар юзасидан янги мақсад ва марралар белгилаб берилди ва у мақсадларга эришишнинг конструктив ечимлари тақдим қилинди.

Йиғилишда маънавий-маърифий тадқиқотларни кучайтириш ва бу йўналишга алоҳида давлат грантларини ажратиш вазифаси вазирлигимиз зиммасига юкланди. Бу ишлар, албатта, амалга оширилади ва бунга барча имкониятлар бор.

Ўтган вақт мобайнида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини амалиётга татбиқ этиш йўналишида бажарилиши 2019-2023 йилларга мўлжалланган жами 11,8 миллиард сўмлик 21 та лойиҳа молиялаштирилган. 2017-2020 йилларда илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида йиллик молиялаштириш ҳажми 8,2 миллиард сўмлик 50 та илмий лойиҳа амалга оширилган.

Андижон давлат университети томонидан тайёрланган «Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси манбаларининг электрон платформаси ва мобиль иловасини яратиш» ҳамда «Таржимашунослик ва луғатшунослик инновация марказини ташкил этиш асосида луғат ва матн таржимони интеллектуал платформасини яратиш» мавзуларидаги лойиҳалар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг энг қадимги давридан ҳозиргача бўлган тарихи ёритилган «Ўзбекистон тарихи» нашри тайёрланди ва чоп этилди. Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси тўғрисидаги китоб-альбом тайёрланди. Ўзбекистонга оид хорижда сақланаётган маданий бойликлар реестри яратилиб, нодир қўлёзма асарларнинг факсимилеси нашр этилди. Буюк аждодларимизнинг маънавий-маърифий меросини тарғиб этишга бағишланган кўп тилли тарқатма ва кўргазмали материаллар ҳамда китоб-альбом нашрга тайёрланди.

Вазирлигимиз томонидан Республика Маънавият ва маърифат марказида тарғибот ишларини ривожлантириш, замонавий мультимедиа маҳсулотларини тайёрлаш учун «Замонавий медиа тарғиботни ривожлантириш механизми» асосида «Маънавий-маърифий, илмий-амалий мультимедиа студияси»ни ташкил этиш» номли мақсадли лойиҳага грант маблағлари ажратилган.

Мазкур студияда яратилган видеоролик, кўрсатув ва эшиттиришлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишга қаратилган.

Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, аҳоли, айниқса, ёшларимиз ўртасида динларо бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш учун тарғибот ишларини кенг кўламда олиб бориш ўта муҳимдир.

Президентимиз маънавий-маърифий ишларнинг ягона тизимини яратиш, хусусан, ўғил-қизларни болалигиданоқ билимли ва фазилатли этиб тарбиялаш, бунинг учун мактабгача таълим муассасаларига методик ёрдам кўрсатиш муҳимлигини айтиб ўтди. Шунингдек, мактаблар, ўрта махсус ва олий таълим даргоҳларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Эндиликда «Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий» тамойили асосида ҳар бир маҳаллага профессор-ўқитувчи ва таниқли зиёлилар бириктирилади.

Ёшларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, бунинг учун тарихни яхши ўргатиш, бу йўналишдаги илмий тадқиқотларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди ва Тошкент шаҳридаги «Ғалаба боғи» мажмуасини халқимиз, айниқса, ёшлар учун ҳарбий тарих ва аждодларимиз қаҳрамонлигини ўрганиш бўйича илмий марказга айлантириш таклифи билдирилди.

Мамлакатимизнинг илм-фан ва инновациялар соҳаси бу борада илғор ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки, бу соҳадаги кашфиётлар, Президент таъкидлаганидек, кучли маънавий қудрат негизида рўёбга чиқади. Илм ютуқ ва кашфиётлари Ватан маънавиятининг ажралмас бир бўлаги бўлса, унинг яратувчилари – халқ ва Ватан хизматига бел боғлаган садоқатли, юксак маънавиятли олимлар ҳисобланади.

Шу ўринда ёшларимиз учун олимлар, зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар билан давра суҳбатлари ташкил этиш, уларнинг суҳбатини олиш, тажрибасини ўрганиш, улар етган марралардан юксакроқ муваффақиятларга эришиш учун зарур маънавий қувватдан баҳраманд бўлиш лозим, деган фикрда қатъиймиз.

Маънавият, маърифат ва ижод кесишган нуқтада зиё пайдо бўлади. Илм-фанга интилиш, ўз оромидан воз кечиб, янгилик яратишга ўзида куч топа билиш учун эса маънавий етуклик талаб этилади.

Шундай экан, буюк аждодларимиз мероси ва тажрибаси олдимизда турган улкан марраларни эгаллашга кўмак беради. Бугунги кунда илм-фаннинг қайсидир бир соҳасида улкан чўққиларни эгаллаши бу катта кучга эга бўлишдир.

Инсон ўлғайгани сайин унинг дунёқараши, ўй-хаёллари, орзу умидлари, ниятлари, мухтасар айтганда, маънавияти ҳам ўсиши зарур. Маънан етук инсон ўз ютуқлари мевасини ўз юрти ва ватандошларига илинади, шогирдлар ўстиради, ижоди ва тадқиқотлари натижаларини халқи билан баҳам кўради.

2017-2020 йилларда илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида йиллик молиялаштириш ҳажми 8,2 миллиард сўмлик 50 та илмий лойиҳа амалга оширилган.

Муҳокама марказида

Шартнома интизомини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик бекор қилинмоқда

Юртимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга енгиллик ва қулайликлар бериш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Эндиликда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда дебиторлик ва кредиторлик қарз муддатларини ўтказиб юборганлик, шунингдек, шартнома интизомини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни бекор қилиш кўзда тутилмоқда.

Мазкур тартибларни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасига кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддасидан дебиторлик ва кредиторлик қарзи муддатларини ўтказиб юбориш ҳамда корхоналарнинг ҳисобварақларида тегишли маблағлар бўлган ҳолда тўловларни амалга оширишнинг белгиланган муддатларини бузиш учун белгиланган маъмурий жавобгарлик масаласини чиқариб ташлаш таклиф қилинмоқда. Шунингдек, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар бузилиши оқибатида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 1761-моддасидан шартнома интизомини бузганлик учун маъмурий таъсир чораси ҳам чиқариб ташланмоқда.

Таъкидланишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг битта ҳаракати учун икки марта жавобгарликка, яъни ҳам фуқаролик-ҳуқуқий, ҳам маъмурий жавобгарликка тортилишининг олди олинади.

Муҳокамаларда сўз олган депутатлар янги тартибнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, ўз таклифларини билдирди.

«Навоий тили луғати»нинг иккинчи жилди нашр этилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорининг 2-иловасида Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғатини беш жилдда тайёрлаш ва нашр этиш вазифаси белгиланган эди.

Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими Бердак Юсуф томонидан тузилган «Навоий тили луғати»нинг 2-жилдини нашрдан чиқарди. Жорий йилнинг 22 февраль куни фонд Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи билан биргаликда мазкур нашр тақдимотини ўтказди.

Беш томлик луғатнинг иккинчи жилдида тўрт мингга яқин бош сўзнинг изоҳи ва мисоллари ўз аксини топган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур луғат олдинги нашрлардан ўзининг кенг қамрови, Навоий тилининг барча маъно товланишларини қамраб олгани билан фарқ қилади.

– Бердак Юсуфнинг мазкур луғати янги давр навоийшунослигининг катта ютуқларидан ҳисобланади, – дейди филология фанлари номзоди, адабиётшунос Зуҳриддин Исомиддинов. – Ушбу луғат Навоий муҳиблари учун мутафаккир бобомизнинг бебаҳо илмий-ижодий меросини янада чуқурроқ ўрганишда яқиндан ёрдам беради.

Тақдимотда пойтахтнинг етакчи илмий марказлари ходимлари, ёш тадқиқотчилар, ижодкорлар қатнашиб, навоийшуносларнинг галдаги вазифалари ҳақида ҳам атрофлича фикр алмашишди.

ЎзА

«О-о, раҳмат, менинг устимдан ёзиб, югуриб юрибсанда-а, мен шундай одамларни яхши кўраман, хурсанд бўламан. Кўраман, қўлингдан нима келади», дея ҳақоратомуз кулди...

УМИДИМИЗ ЯНГИ ВАЗИРДАН

Кейинги йилларда бошқа соҳалар қатори таълим тизимида ҳам салмоқли ўзгаришларга эришилди. Хусусан, таълимга ажратилаётган бюджет маблағлари бир неча баробарга кўпайди, ўқитувчилар мажбурий меҳнатдан тўла холос этилиб, ортиқча қоғозбозликка барҳам берилди.

Лекин бир муаммо борки, тизимнинг ундан қутулиши осон кечмаяпти. Бу – коррупция, таниш-билишчилик ва порахўрлик иллатидир.

Яқинда Самарқанддан синглим қўнғироқ қилиб, икки йилдан бери тайинли ишга жойлашаолмаётганини айтиб қолди.

– Қаерга бормай, пул сўрашади. Учта дипломим бор, коллеж ёпилганидан бери «районо»га 50-60 марта бордим. Пул беролмаганим учунми, вақтинча бир мактабда тўрт ой, бошқасида эса аранг олти ой ишладим.

Ўқув йили бошида мудир янги очилган 100-сонли мактабда психологга эҳтиёж борлигини айтиб, ўша мактабга жўнатди. Мактаб директори ҳали вазифасига расман тайинланмаган ёшгина йигит экан. Мени яхши қабул қилмади. Буни «Сизни ишга ололмайман, бир ойдан бери бир психолог келиб, юрибди», деганидан сездим. Аммо мени мудир жўнатганини, буйруғим ҳам чиққанини айтганимдан кейин ноилож қабул қилди.

Сентябрдан иш бошладим. Лекин қарийб ярим йилдан бери директор мени оёқости қилиб келади. Ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқман. Қилдан қийиқ ахтариб, тинч ишлагани қўймайди. Кўпчиликнинг ичида беҳурмат қилса ҳам, урушса ҳам «майли раҳбар, яна қаердан иш излайман» деб, тишимни-тишимга қўйиб, сабр қилдим.

Билиб турибман, нима учун маломатга қолаётганимни. Ана шундай кунларнинг бирида мендан 16 ёш кичик директоримиз «чиқиб кет, бўшаб кет», дея сенсирашга ўтди. Бу ҳақда мудирга айтдим, лекин фойдаси бўлмади.

Ўша кунлари соғлигим бўлмай, тўрт кун «больничний»га чиқдим. Бу орада амаллаб вилоят халқ таълими бошқармасига бордим. Пайариқ тумани «куратор»ига учраб, директор тинч ишлашга қўймаётганини очиқ айтдим. У шу ернинг ўзида директорга қўнғироқ қилиб, «Ўзингиздан катта ёшли ўқитувчини ҳақорат қилишга нима ҳаққингиз бор, келишиб ишласаларинг бўлмайдими? Гинакудратни йиғиштиринглар. Эртадан ишга чиқади», деб «трубка»ни қўйиб қўйди.

– Шунчалик оёқости бўлганимдан ишга ҳам боришга безиб қолдим, ака, – синглим ҳамон йиғларди. – Яна ишга чиқдим. Аммо шунча гапдан кейин ўзига келгандир, деган ўйда.

Биринчи марта ишга борганимда, психологга алоҳида хона йўқ деб, маънавиятчининг хонасига жойлаштирганда ҳам индамай рози бўлгандим. Икки ойдан кейин «медсестра»нинг хонасига тушасиз деди, хўп деб тушдим. Бу сафар «медсестра»нинг хонасидаги стулимни ташқарига чиқариб ташлабди. Хўжалик мудирига дардимни айтсам, сиз энди ўқитувчилар хонасида ўтиркансиз, деди. Мен психологман, ўқитувчилар хонасида қандай ишлайман, ахир ҳар куни ўқувчиларни қабул қилсам, дедим.

Кейин директорнинг олдига кириб вазиятни тушунтирмоқчи бўлдим. Илтимос қилиб, ярим соат ялиниб, ёлвордим. Қўйинг энди, эски аразларни унутайлик, тинч ишлайлик, дедим. «О-о, раҳмат, менинг устимдан ёзиб, югуриб юрибсанку, мен эса шундай одамларни яхши кўраман ва улардан хурсанд бўламан. Кўрдингми, қўлингдан нима келди», дея ҳақоратомуз кулди...

Ўша куни синглимга халқ таълими бошқармасига қўнғироқ қилишимни айтиб, бироз тинчлантирдим. Лекин ўзимнинг тинчим бузилди.

Эртаси куниёқ Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси раҳбарларига қўнғироқ қилиб, синглимнинг йиғламсираб айтган гапларини овозли тарзда юбордим. Аммо ҳадеганда жавоб бўлмади.

Орадан бир ҳафта ўтиб, яна қўнғироқ қилдим...

Мана, орадан икки ҳафта ўтди ҳамки, на мудира опадан бирон хабар бор ва на бошқасидан.

Назаримда тизимда ноқонуний ҳолатлар камаймаяпти. Кимнингдир ота-онаси, аёли, кимнингдир опасинглиси, ака-укаси мактабда ишлайди. Гаплашсангиз гап мавзуси айланиб «ички» муаммоларга тақалади. Ё заринг, ё зўринг бўлсин деганларидек, оддий ўқитувчи ҳам мактабга таниш-билишсиз, харажатсиз ишга жойлашиши қийин, гарчи мактаб мутахассисга муҳтож бўлса ҳам.

Албатта, ўқитувчи бировга пул берганини ҳеч қачон ошкора айтмайди. Айтдими, тамом. Раҳбарият унинг ишлашига қўймайди. Биламан, ушбу мақола газета юзини кўрганидан кейин синглимга ҳам не-не маломатлар қилинмайди...

Лекин қачонгача кўз юмиб яшаймиз? Қачонгача пул узатмаган айрим кадрлар сарсон, оёқости қилинади? Таълимки, шундай муаммолардан холи бўлмас экан, жамият ривожи ҳақида гапириш мумкинми? Фақат жиғилдонини ўйлаган айрим раҳбарлар таълим ривожи ҳақида жон куйдиришига ишонасизми?

Ўзим пайариқлик бўлганим учун туман ҳаёти билан боғлиқ хабарларни, айниқса, таълим фаолиятини мунтазам кузатиб бораман.

2018 йили тумандаги мактаблардан бирида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган шахс ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, бир фуқародан мактабга ишга жойлаштириш учун пора сўраган ва жиноят устида қўлга олинган.

2020 йили эса туман халқ таълими тизимида сўнгги беш йилда 3,2 млрд сўм талон-тарож қилингани аниқланди. Натижада туман халқ таълими бўлими мудири ва 12 нафар ходим ишдан ҳайдалди.

Шу йилнинг январь ойида эса бир мактаб директори Бошқўрғон маҳалласида яшовчи фуқарони ўзи раҳбарлиқ қилаётган мактабга психология фани ўқитувчиси сифатида ишга олиш эвазига ундан катта миқдорда пул талаб қилган. «Аванс» олаётган вақтда эса ушланган...

Яна бир мисол: халқ депутатлари туман Кенгашининг 2020 йил майдаги еттинчи сессиясида маълум қилинишича, Пайариқ тумани вилоятда ўқувчиларнинг олий таълимга кириши бўйича 14-ўринда бўлиб, 39 та мактабдан биронта бола олий таълимга кирмабди. Республикадаги 200 та туман ичида эса Пайариқ тумани халқ таълими бўлими 191-ўринни эгаллабди. 121 та умумтаълим мактаблари ўртасида ўтказилган миллий рейтинг натижаларига кўра, вилоятда энг сўнгги 20 та мактабнинг 5 таси ҳам Пайариқдан экан.

Мана, Сизга таълимдаги порахўрликнинг, таниш-билишчиликнинг натижаси. Ҳали расман ишга тайинланмаган раҳбар пул бермаган ходимларни оёқости қилса, эртага у бунданда катта қинғирликларга қўл урмаслигига ким кафолат беради.

Халқимизда еган оғиз уялар деган гап бор. Бугун «еб қўйгани учун» баъзи директорлар ўқитувчиларга гапини ўтказа олмаса, айрим туман мудирлари эса «олиб» қўйгани учун мактаб директорларига қаттиқ гапиролмаса, вилоятдагилар эса қинғирликларни ёпди-ёпди қилса...

Афсуски, собиқ халқ таълим вазири Шерзод Шерматов ўзининг тўрт йиллик фаолияти давомида бундай нуқсонларни бартараф эта олмади. Айримларнинг фикрича, бундай ҳолатлар баттар кучайган. Эндиги умид янги вазир Бахтиёр Саидовдан. Агар янги раҳбар тизимда илдиз отган таниш-билишчилик ва порахўрликнинг пайини қирқа олса, бу мамлакатимиздаги 10 мингтага яқин мактабда 6 млн.дан кўп ўқувчига сабоқ бераётган 500 минг кишилик педагоглар жамоаси, умуман, таълим тизими ривожи учун жуда катта туртки берган бўлар эди.

Албатта, бу билан бутун халқ таълими тизими порахўрлик ботқоғига ботган демоқчи эмасмиз. Зеро, бутун дунёда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам ўқитувчидек ҳалол, виждонли, борига барака қиладиган, ўз касбига садоқатла хизмат қиладиган касб эгалари кўп. Фақат айрим нопок кимсалар туфайли тизим ёмонотлиқ бўлмоқда...

Равшан МАҲМУДОВ,
журналист

2020 йили туман халқ таълими тизимида сўнгги беш йилда 3,2 млрд сўм талон-тарож қилингани аниқланди.

Таржимон ўқитувчига ноутбук топширилди

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан инглиз ёзувчиси Жозеф Редярд Киплингнинг "If/Если" (Заповед) асарини ўзбек тилига таржима қилиш бўйича танлов эълон қилинган эди.

Танловга жами 840 та таржима келиб тушган. Шундан саралаб олинган 257 та ижодий иш ҳакамлар ҳайъатига кўриб чиқиш учун тақдим этилган.

Хулосага кўра, Бухоро вилояти Ғиждувон тумани 63-ИДУМнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Гулҳаё Ортиқова ғолиб, деб топилди.

– Ғолибликни қўлга киритаман деб ўйламаган эдим, – дейди Гулҳаё Ортиқова. – Кичкина меҳнатим шунчалик рағбат келтирганидан хурсандман. Ўз устимда ишлаб келажакда яна катта асарларни таржима қилишни мақсад қилиб қўйдим.

Бухоро вилояти халқ таълими бошқармасида танлов ғолибига халқ таълими вазирининг совғаси – ноутбук топширилди.

Зариф КОМИЛОВ

MILLIY tiklanish
ижтимоий-сиёсий газетаси

МИЛЛАТ руҳи

Чоршанба
23 февраль, 2022 йил
№7 (1156)

1937-1939 йилларнинг ўзидагина Ўзбекистон ССР ички ишлар халқ комиссарлигининг «учлик»лари томонидан 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 6 минг 920 киши отиб ташланди... Эл кўзидан махфий сақланган ва унуттиришга ҳукм қилинган воқеалардан бири – Фарғона вилоятининг марказий нашри – «Фарғона» газетаси таҳририяти фаоллари тақдиридир.

Фарғоналик аёлнинг АЯНЧЛИ тақдири

Инсон бошига не савдолар, кўргуликлар тушмайди дейсиз. Айбсиз айбдор бўлиб, сургун қилинганлар тақдири бунинг исботи. Қанча инсонлар армонда ўтди, яна қанчасининг қалбида жавобсиз саволлар бор. Халқимиз синовларда кўп тобланди, хусусан, қатағон йилларида минглаб фарзандларидан айрилди.

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИГА ҲУЖУМ

Сталин шахсига сиғиниш йиллари Ўзбекистон халқи бошига оғир кулфатлар солинди. 1937-1939 йилларнинг ўзидагина Ўзбекистон ССР ички ишлар халқ комиссарлигининг «учлик»лари томонидан 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 6 минг 920 киши отиб ташланди... Эл кўзидан махфий сақланган ва унуттиришга ҳукм қилинган воқеалардан бири – Фарғона вилоятининг марказий нашри – «Фарғона» газетаси таҳририяти фаоллари тақдиридир. 1930-1937 йилларда таҳририятнинг забардаст ижодкорлари: Ашурали Зоҳирий, Лутфулла Олимий (масъул муҳаррир), Мухтор Муҳаммадиев, Эркин Носир, Восеъе Қаюмов, Усмон Акром (кейинчалик Ҳожи Олим Қобулий ҳам қамалган) «Ботир гапчилар» деган сохта ташкилот номи билан айбланиб, узоқ муддатга сургун қилинди. Булар орасидан фақатгина Лутфулла Олимий қайтиб келган.

Миллат фидойиларига нисбатан эълон қилинган қатағон сиёсати аёлларни ҳам четлаб ўтмади. Тарихнинг ўша жирканч саҳифаларини мажбур варақлаймиз, чунки бундай аёлларни эсламаслик, хотирасини эъзозламасликнинг иложи йўқ. Ана шулардан бири фарғоналик Тожихон Шодиевадир. Унинг аянчли тақдири билан танишарканмиз, бошидан қора кунлар ўтганини билдик.

ЭГНИДА ЧАРМ КАМЗУЛ, БОШИДА КЕПКА

Тожихон Шодиева Ўзбекистонда хотин-қизлар кенгашлари фаолият бошлаган «Ҳужум» ҳаракати йилларида фаол аёллар вакиласи сифатида хотин-қизлар шўъбаси инструктори этиб Хоразм округига хизматга жўнатилди. Орадан бир йилга яқин вақт ўтиб, Қўқонга қайтди. Бу ерда ҳам шаҳар хотин-қизлар шўъбаси мудири бўлиб ишлади. Йигирма беш ёшида эса бўлим мудири вазифасига тайинланди. Айни шу кезларда – 1927 йилда Тожихон Шодиева «Янги йўл» номида чиқиб турган журналда муҳаррир бўлиб ҳам ишлади. У журналист бўлмаса-да, ўша давр фирқа тизгини республика миқёсидаги ишончли шахснинг хотин-қизлар матбуотини бошқаришини тақозо қиларди. Ғайрат, шижоатга тўла қалб ишлаб чарчамас, ўзига юкланилган вазифаларнинг ҳар қанча зил юкини кўтаришга ҳозир ва қодир эди. Эгнида чарм камзул, бошида кепка, ҳар қандай топшириқни адо этишга шай, ўз даврининг фарзанди эди у. Коммунистик партия тизимнинг масъул лавозимларида фаолият олиб борди. Унинг тақдири атоқли кинорежиссёр Малик Қаюмовни ҳам қизиқтирган. 1932 йилда «Тожихон Шодиева» деган ҳужжатли фильм яратилган. Бу фильмда кинорежиссёр республикамизда биринчилардан бўлиб паранжини ташлаган, ёш сиёсатчи Тожихон Шодиева ҳаётидан қатор лавҳаларни кинотасмага туширган.

ҲЕЧ ҚАЧОН УМИДИ СЎНМАДИ

Кечагина республикани бошқарган, юртнинг садоқатли фарзанди саналган Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов каби раҳбарлар ҳибсга олиниб, авахтага ташланган йиллари шундай қисмат Тожихон Шодиеванинг ҳам бошига тушди. Бу бахтиқаролик 1937 йилнинг 24 сентябрида НКВДнинг Тожихон Шодиевани ҳибсга олиш ҳақида чиқарган қароридан бошланди. Унда Ўзбекистонда фош этилган аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти аъзоси сифатида зараркунандалик ишлар олиб боргани учун ЎзССР жиноят мажмуасининг 60-66-1 ва 67-моддаларига кўра Тожихон Шодиевани қамоққа олиш лозимлиги кўрсатилган эди. Унинг анкетасида қайд этилишича, ўша пайтларда Тожихон Шодиева Молотов тумани партия ташкилотининг котибаси эди. Отаси Тошмат ака Мирзаев Қизилқиядаги конда шахтёр бўлиб ишлаган. Улар 13 нафар бўлиб, онасидан эрта айрилган. 1937 йил 7 октябрда яна бир ҳужжат – айблаш қарори пайдо бўлади. Унга кўра, Тожихон Шодиева 1928 йилдан аксилинқилобий миллатчилик ташкилотига аъзо бўлганликда айбланади. Бу ташкилот қуролли ҳаракат билан совет ҳукуматини ағдариш ва Ўзбекистонни СССРдан ажратиб, буржуа демократик давлатини тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги кўрсатилади. Ҳужжатда Тожихон Шодиеванинг бундай дастхати ва имзоси бор: «Менга баён этилган айбномани тан олмайман».

1937 йил 5 декабрдаги терговда Тожихон Шодиевага: «Сиз Икромов раҳбарлигида ҳокимиятни қуролли йўл билан ағдаришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган аксилинқилобий миллатчилик ташкилотига аъзо бўлганликда айбланасиз», деган даъво бор. Бунга жавобан Тожихон Шодиева: «Аксилинқилобий миллатчилик ташкилотига ҳеч қачон аъзо бўлмаганман», дейди. Яна Акмал Икромовнинг топшириғига кўра, қўпорувчилик ишларини олиб боришда, пилла тутиш режасига зарар етказиш ниятида тут дарахтларини кестирганликда ва 1937 йил пилла тутиш режасини бажармаганликда айбланади. Колхозлараро ўтган йўлларнинг кенгайтирилиши сабабли тут дарахтларини кесиб ташлаш зарурати туғилганлигини ҳеч ким инобатга олмайди. Зарурат туфайли бажарилган иш махсус қилинган зараркунандалик, деб саналади. Узоқ давом этган терговдан кейин – 1938 йил 4 октябрь куни СССР Олий Суди ҳарбий коллегиясининг сайёр сессияси ҳукмни эълон қилади. Тожихон Шодиева 10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилиниб, мол-мулки мусодара этилади. Жазо муддатини ўташ учун Қозон қамоқхонасига жўнатилади. Ота-онаси қанча жойга мурожаат қилган, аммо бирор натижа бўлмайди.

Т.Шодиева неча-неча йиллар давомида она диёридан, қавму қариндошларидан йироқда азоб чекди. Аммо ҳеч қачон умиди сўнмади, ёруғ кунлар келишини кутиб яшади. 1950 йил 28 октябрь куни алоҳида мажлис қарори билан Тожихон Шодиева беш йил муддатга Хабаровск ўлкасига бадарға қилинди. Совуқ ўлкаларда ўтказган маҳбуслик ва бадарға азоблари натижасида касалликка чалинди, кўзлари хиралашиб қолди.

ОПА ЯРАТГАН БОҒЛАР

Халқимизда «Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ», деган нақл бежиз айтилмаган. Тожихон Шодиева интиқлик билан кутган ёруғ кунлари ҳам келди. 1956 йилда биргина у эмас, қатағонга учраган бошқа юртдошларимизнинг иши қайта кўрила бошланди ва уларнинг аксарияти оқланди. Тожихон Шодиева ҳам оқланиб, ота юртига қайтди. У узоқ дам олиб ўтиролмади. Республика раҳбарлари Фарғона вилоятидаги боғдорчилик совхозига директорлик вазифасига тавсия этилди. Қуруқ даштлардан иборат, Фарғона шаҳрига туташ бўлган юзлаб гектар майдон ўзлаштирилиб, оби ҳаёт олиб келинди. Аёл ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, куч ғайратини бунёдкорликка, боғ яратишга сарфлади. Тошлоқ ерлар боғу бўстонга айлантирилди. Раҳбарнинг уддабуронлиги ва ташкилотчилиги боис, қисқа йиллар ичида давлат хўжалиги салмоқли натижаларга эришди. Шунингдек, хўжалик аъзоларини қўллаб-қувватлашга, ижтимоий ҳимоясига муҳим эътибор қаратди. Улар учун янги уй-жойлар қуриб берилди.

Тожихон Шодиева 1981 йилда вафот этди. Кейинчалик опа асос солган хўжалик унинг номига қўйилди. Бугун орамизда йўқ бўлса-да, унинг эзгу ишлари тилларда, дилларда. У ҳақида Йўлдош Сулаймон «Жалада қолган гул» номли қисса ёзган. Фарғона шаҳрилик Мамлакатхон Ёқубова уни шундай эслайди:

– Синглисининг фарзанди бўлсам-да, Тожихон Шодиевани ўз онамдек кўрардим. Опам иккимизни боқди, кийинтирди, ўқитди. Ҳатто қизимни фарзанд сифатида олиб, камолга етказди. Умрининг йигирма йили азобда, совуқ ўлкаларда ўтган бўлса-да, ҳеч қачон нолимаган. Меҳнат билан барча ғамларини унутишга ҳаракат қиларди. Шундай инсон қўлида тарбия топганим доимо фахр бағишлайди. Афсуски, унинг номига қўйилган кўча ўзгартирилди.

Тожихон Шодиева каби қатағонга учраган инсонлар халқимизнинг чинакам фидойилари эди. Уларнинг хотирасига эҳтиром кўрсатиш эса барчамизнинг бурчимиздир.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ

Маликалар

Малоҳатда тенги йўқлар

Истасанг ҳуснинг закотини бераргa мустаҳик,
Келки, бу Зебуннисо янглиғ гадо бу ердадир.

Зебуннисо Бегим

Бобурий маликаларнинг беқиёс ҳусну латофатидан ташқари, ақлу заковати, ҳам сиёсий, ҳам маънавий жиҳатдан тенгсиз бўлганлигини билармидингиз?

Шу маънода, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ворислари ўзларининг ибратли ҳаёти ва ижоди туфайли тарих зарварақларидан ҳам муносиб ўрин эгаллаганларини таъкидлаш жоиз. Илм-фан, адабиёт, санъат, маданият соҳаларида Бобурий маликалар томонидан амалга оширилган кўплаб хайрли ишлар ҳалигача дунё аҳли эътирофига сазовор бўлиб, халқаро миқёсда ҳам ўрганилмоқда.

Маълумки, Бобур Мирзонинг суюкли қизи Гулбадан Бегим ўзбек аёлларидан биринчи тарихий асар муаллифи бўлган. Гулбадан Бегимнинг қаламига мансуб «Ҳумоюннома» Бобуршуносликдаги муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Инглиз адибаси Ромер Годен ўзининг «Гулбадан» номли асарида бу ҳақда шундай ёзади: «...У эртакларда учрайдиган афсонавий қаҳрамонларга хос нафис исм – Гулбадан, деган гўзал ном билан аталарди. Умрининг тўфонли ва шиддатли дамларида ҳам у ўзининг «Гулбадан»лигини сақлаб қола олган мўътабар бир инсон эди».

Бобурий маликаларнинг яна бир вакиласи Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг панневараси Зебуннисо Бегимдир. Зебуннисо Бегим 1639 йилнинг февраль ойида Деҳлида таваллуд топади. У бобоси Бобур Мирзо ижод қилган тилларни ҳам чуқур ўрганиб, шу тилларда ижод қилади. Зебуннисо Бегим ўз даврининг етук олимларидан таҳсил олиб, забардаст шоира, етук олима, созанда ва моҳир ҳаттот бўлиб етишади. Араб ва форс тилларини мукаммал эгаллаганлиги, фиқҳ (ислом ҳуқуқшунослиги), мантиқ, фалсафа ва тарих фанларини пухта ўзлаштирганлиги беихтиёр бобоси Бобур Мирзонинг ҳаётини эслатади, гўё. Зебуннисо Бегимнинг бой меросидан халқимиз ҳали ҳамон фойдалана олмади. Зебуннисо Бегим қаламига мансуб асарлар, шубҳасиз, ўзбек адабиёти ва тарихи, ёшларимизнинг таълим ва тарбиясида жуда муҳимдир. Жумладан, тасаввуф фалсафасига оид «Мунис-ул арвоҳ», тафсир соҳасидаги «Зеб ат-тафсир», илоҳиётга доир «Зеб ан-нашаот» ва «Фатвои Оламгирий» асарларини форс тилига ўгиргани, шубҳасиз, унинг келажак авлодларга қолдирган бой меросидир. Бугунги кунда Зебуннисо Бегимнинг юқорида санаб ўтилган барча асарлари Бобур халқаро жамоат Фонди Ёшлар бўлими вакиллари иштирокида юртимизга олиб келиниб, уларни илмий истеъмолга киритиш ва халқимиз эътиборига ҳавола қилиш режалаштирилмоқда.

Айни пайтда Янги Ўзбекистонда ҳам опа-сингилларимизни айниқса, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳадаги интилишлари қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган «Бешта муҳим ташаббус» доирасида ҳам кенг имконият ва имтиёзлар назарда тутилган. Зеро, бугун Гулбадан Бегим, Зебуннисо Бегим каби ўзбек халқининг беқиёс аёл-қизларига ҳар томонлама муносиб бўлган авлодлар етишиб чиқмоқда.

Фахриддин НОСИРЖОНОВ,
«Бобур» номли халқаро жамоат фонди масъул ходими

СИЙМО

Устознинг бу ҳикоясидан аъзои баданимда титроқ уйғониб, манглайимдан муздай тер оқарди. Чунки ёшликда одам боласи таъсирчан бўлади. Бу суҳбат мени Усмон Носир шеъриятига янада яқинлаштирди. Шоирнинг шеърлари менга 70-йилларда таниш бўлганди.

Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигига

Талабалик йиллари ўзбекнинг синчи даҳо шоири Рауф Парфи ётоқхонамизга тез-тез келиб турар, ўзининг янги шеърларидан ўқиб, барчамизни хушнуд этарди. Бир гал бизнинг хонамизда қўноқ бўлганди ҳам. Туни бўйи суҳбатининг гувоҳиман. Рауф ака қатағон қурбони шоир Усмон Носир шеърияти шаффофлиги, қалб кечинмалари уйғоқлиги, тасаввури сийратида олам ва одам гўзаллиги рангинлигини, мафтункор жозибаси билан музлаган шуурга оташ тутишлигини гапира туриб, узоқ жим бўлиб қолди. Кўзларида ёш сизганлигини сезиб қолдим. У ҳирқироқ овозда шоирнинг "Юрак" шеърини сокин айта бошлади.

Чақмоққа айланган шоир

> Маҳбуслар омонатини матрас ичида сақлашаркан. Айтишларича, оловда қўли куйса ҳам шоир парво қилмаган. Қизариб куйган қўлини қорга тиқиб, совутиши биланоқ яна матрасини излаган. Афсуски, матрас орасида сақланган қанчадан қанча шеърлари гулханда ёниб кул бўлган.

Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жўр этдинг.
Кўзимга ойни беркитдинг,
Юрак, сенсан ишқибозим.

Хонадошлар нигоҳларимизни шоирга тикканча сукутга чўмганмиз. То Рауф ака шеърни тугатгунча бирортамиз чурқ этмадик. Сўнг у киши Усмон Носирнинг аччиқ қисматини айтиб берди: «Кемеровадаги турмада маҳбусларнинг битлаб кетган матраслари ёқилишидан хабар топган Усмон Носир воқеа жойига етиб келади. Ҳеч тап тортмай аланга ичидан ўз матрасини ахтаради. Қолган маҳбуслар «пулим» деб дод солса, Усмон «Вой, шеърим» деб дод солган экан.

Маҳбуслар омонатини матрас ичида сақлашаркан. Айтишларича, оловда қўли куйса ҳам шоир парво қилмаган. Қизариб куйган қўлини қорга тиқиб, совутиши биланоқ яна матрасини излаган. Афсуски, матрас орасида сақланган қанчадан қанча шеърлари гулханда ёниб кул бўлган. Балки унинг ўлимига ана шу йўқотиш катта таъсир қилгандир. Чунки ўз жонини ўйламай олов қурбонига айланганди».

Устознинг бу ҳикоясидан аъзои баданимда титроқ уйғониб, манглайимдан муздай тер оқарди. Чунки ёшликда одам боласи таъсирчан бўлади. Бу суҳбат мени Усмон Носир шеъриятига янада яқинлаштирди. Шоирнинг шеърлари менга 70-йилларда таниш бўлганди. Яйловда қўй боққанимда белбоғимда нон ва китоб бўларди. Шу белбоғда Усмон Носирнинг ҳам китоби бўлган.

Усмон Носир 1912 йил 13 ноябрда Наманган вилоятида туғилган. Москвадаги Кинематография институтида (1929-1930) ва Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг тил ва адабиёт факультетида таҳсил олган (1933-34). «Қуёш билан суҳбат», «Сафарбар сатрлар» (1932), «Тракторобод» (1934), «Юрак» (1935), «Меҳрим» (1936) каби шеърий тўпламлари, «Норбўта» ва «Нахшон» (1934) достонлари нашр этилган. «Атлас» (1935) пьесаси ўз вақтида ҳаваскорлар театри саҳнасида қўйилган. А.С.Пушкиннинг «Боғчасарой фонтани», М.Ю.Лермонтовнинг «Демон» («Иблис») достонларини ўзбек тилига таржима қилган. 1937 йил 13 июлда «халқ душмани» сифатида ҳибсга олиниб, дастлаб Магадан, сўнгра Кемерово вилоятларидаги қамоқхоналарга юборилган ва 1944 йил 9 мартда ўша ерда вафот этган.

Шоирнинг қисқача таржимаи ҳоли шу. У ўн саккиз ёшидан драмалар ёза бошлаган. «Атлас» драмасини ёзганда 21 ёшда бўлган. 30-йиллар бошидаёқ шеърлари Москва матбуотида чоп этилиб, шоирнинг номини собиқ иттифоққа танитган. Шоир Туроб Тўланинг хотирлашича, «У шундай тўполон ва тўлқин билан шеъриятга кириб келдики, унча-бунча шеърий услуб ва ижодни тўс-тўс қилиб юборди.

Уни ўзимизда ўзбекнинг Лермонтови дейишар, Москва газеталарида «Шарқда Пушкин пайдо бўлди» деган шов-шувлар, эътирофлар ўз даврида жаранглай бошлаганди. Ўтган асрнинг 30-йилларида ёзувчилар йиғилишида Ўзбекистон раҳбари Акмал Икромов ўзбек адабиёти ҳақида гапириб, Усмон Носир шеърларидан ёд ўқиб, «Усмон Носир ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузи, ўзбек халқининг Пушкини» деган. Афсуски, 1937 йили Ёзувчилар уюшмаси йиғилишида шоир ҳаётини тафтиш қилишиб, уни қамоққа олишга йўл очиб берилган». Бор-йўғи 32 йил яшаган шоирнинг адабий мероси абадиятга дахлдордир.

Унинг қайси бир шеърига мурожаат қилманг, инжа ҳиссиёт, туйғун руҳ, жозиб ўй-кечинмалар, мўъжизавий тасаввурлар идрок кўзгусида тажассум топади. Бундан ташқари, тарихнинг ижтимоий залвори, инсониятга кулфат келтиргувчи урушларнинг оғир асорати қалбни уйғоқликка даъват этади. Айниқса, табиат тасвири камалакдек сержило тиниқ туйғуларда қалб чилторини чертади.

Денгиз ойна каби ялтирар,
Тўлқинларга суқим оқади,
Оққуш мунгли-мунгли оҳ уриб,
Ҳазин куйи дилга ёқади.

Денгизнинг ойна каби ялтираши кўнглингиз водийсини шаффофлантиради. Тўлқинларга ҳавас билан тўлиб тошган, эҳтиросли назарнинг сингиб оқиши, оққушнинг мунглимунгли оҳи ҳазин куйга айланиб дилга ёқиши ўқувчида лирик кайфият уйғотади. «Монолог» шеърида эса шоир юраги тилга киради.

Дездемона, гуноҳсиз дилбар,
Жигар қонларингни ичган ким?
Биламан, Отелло, биламан,
Отелло ҳақлими?.. Шоир жим!..
Жим!.. Уфқдан ботар қуёшни
Шарт кесилган бошга ўхшатдим.
Парча-парча куйган шафақлар
Тирқираган қонни эслатди!

Нақадар чиройли манзара! Бу шеърни Севги фожиаси арияси деса бўлади. Уфқда ботар қуёшни шарт кесилган бошга ўхшатишнинг ўзидаёқ шоир истеъдодининг ёрқинлигини ойнага солиб турибди. Бу шеърда муҳаббатнинг аччиқ қисмати тарихнинг яширин саҳнасида тубанликнинг ўткинчи эмас, абадийлигига урғу берилган.

Ки одамнинг ўзинигинамас,
Ҳиссини ҳам хароб қилса давр!
Қийналаман! Юрагимда ҳовур...
Бу – қаршилик! Йўқ! Гина эмас.
Бу – қаршилик! Кўринг тарихни.

Инсониятга ножоиз ҳилқат кўргиликларнинг мезонидир. Шоир инсон ҳиссини хароб қилган давр давр эмас, балки фожиа тузоғидир, демоқчи ва шу баробарида ўзи яшаётган қатағон даврига ҳам нафрат ханжарини санчмоқда. Худди шундай «Нил ва Рим» шеърида ҳам тарихда юз берган трагедик аянчли воқеаларни ўз даврига муқояслашга эришган. Достонлари ҳам кўлами кенг мавзуларда битилгани билан ҳайратга солади.

Усмон Носир таржимачилик борасида улкан маҳорат эгасидир. Лермонтовнинг «Демон» ва Пушкиннинг «Боғчасарой фонтани» достонларини ўз жозибасини сақлаган ҳолда ўзбекчага ўгириб, тилимизнинг гўзаллигини исботлаб берган. Қофиялар тизими шундай силлиқки, ўқувчининг онг-шуурини, руҳиятини нурлантиради. Усмон Носирни ўзбек таржимачилик мактаби дарғаларидан бири, десак янглишмаймиз.

Усмон Носир ўзбек адабиётига «ғазалдан униб чиққан гул» (Абдулла Шер) бўлмиш сонет жанрини биринчи бўлиб олиб келган. «Яна шеъримга» сонетига ички нигоҳ билан қарайлик.

Шеърим! Яна ўзинг яхшисан,
Боққа кирсанг, гуллар шарманда.
Бир мен эмас, ҳаёт шахсисан,
Жоним каби яшайсан манда.

Шоир классик сонет намунасига тўлиқ риоя қилган. Жумладан, шарманда, манда, канда, танда сўзлари ўта ҳамоҳанг. Худди шундай иккинчи қофиялар ҳам бир-бирини тўлдира олган. Афсуски, эркин сонет деб аталувчи, тўғрироғи шеърлар (шекспирона) классик сонет мақомига улкан соя ташлади. Усмон Носирдан кейин эркин сонетлар бодроқдай очилиб кетди. Арузда ёзилган ғазал қандаю туроқлашган «ғазал» қандай? Ҳар қандай жанрнинг олтин қоидаси бор. Чунки сонет отаси Ф.Петрарка классик сонет жанрига асос солган, унинг олтин қоидасини ҳам ўзи яратган.

Шоирнинг бир шеърий романи, икки драмаси, юзлаб шеърлари қатлиом қиличида чопилиб, изсиз йўқолганини биламиз. Ўзбек миллатининг лирик ва оловқалб шоири замон зуғумининг қурбонига айлансада, ўзидан мангуликка татигулик адабий мерос қолдиргани авлодлар учун буюк махзандир.

«Унутмас мени, боғим» деган шоир. У шеърият аталмиш бўстонда ўз боғини яратди. Бу боғни қалб чаманига айлантирган ўқувчилар борки, шоир шеърияти муҳиби бўлиб қолаверади.

Ўроз ҲАЙДАР,
шоир

Эътироф

«ЎҚИТУВЧИ – ШУБҲАЛИ ШАХС»

Кунларнинг бирида А.П.Чехов (1860-1904) мени Кучук-Кой қишлоғидаги уйига таклиф қилди. Бу ерда ёзувчининг озгина ери ва икки қаватли, мўъжаз уйи бор эди, деб ҳикоя қилади ёзувчи Максим Горький. Ўзининг «имение»сини кўрсатар экан, ҳаяжон билан гапира кетди:

– Агар пулим кўп бўлганда эди, мен худди шу ерда касалманд қишлоқ ўқитувчилари учун санаторий ташкил қилган бўлур эдим. Биласизми, шундай бир ёруғ бино – жудаям ёруғ ва каттакон деразали, баланд шифтли бино қурардим. Мен бунёд қилган ушбу санаторийнинг жуда ажойиб кутубхонаси, ҳар хил мусиқа асбоблари, асаларичилиги, полиз-сабзавот экинлари экиладиган томорқаси ва мевали боғи бўларди. Бу масканда агрономлик ва метеорология бўйича маърузалар ўқилар эди. Чунки ўқитувчи ҳамма нарсани билиши керак, ҳа, азизим, ҳамма нарсани! У бирдан жим бўлиб қолди. Гапларига алоҳида ҳаяжон ва маъно бағишловчи ёқимли жилмайиш билан мен томонга ўгирилиб, оҳиста йўталиб қўйди.

– Менинг фантазиямни эшитиш сиз учун зерикарли бўлса керак-ов? Бироқ мен бу ҳақда гапиришни хуш кўраман. Рус қишлоғига яхши тарбия кўрган, ақлли, билимли ўқитувчи қанчалик зарур эканлигини билсангиз эди! Бизнинг Россияда маориф ишига алоҳида шарт-шароит яратиш керак. Бу ишга тезроқ киришишимиз зарур. Биз бир нарсани яхши тушуниб олишимиз шарт: халқи кенг билимларга эга бўлмаса, давлат худди яхши пишмаган хом ғиштлардан ёмон терилган бино сингари қулайди!

– Ўқитувчи ўз ишини жондан севгувчи артист, рассом, санъаткор бўлиши лозим. Бизда эса ўқитувчи бу – қора ишчи, ёмон таълим олган савияси паст одам. Унинг учун қишлоққа бориб, болаларни ўқитиш бамисли сургунга бориш билан баробар. Чунки ўқитувчи бир бурда нонини йўқотиб қўйишдан қўрқиб, оч-яланғоч ва жамият томонидан унутилган инсонга айланиб қолган. Аслида ўқитувчи қишлоқнинг биринчи одами, мужикларнинг ҳар қандай саволига жавоб бера оладиган бўлиши лозим эди. Одамлар ундаги билимнинг кучини ҳис қилиб, ўқитувчига ҳурматга лойиқ инсонга қарагандек қараши ва уни эъзозлаши зарур. Бизда эса: урядник, бой дўкондор, поп, даҳа полицияси бошлиғи, мактабнинг ҳомийси, васийси, оқсоқол, мактаб инспектори – барча-барча ўқитувчига дўқ уради, бақириб иш буюради, ишига аралашади, уни камситиб таҳқирлайди, унга хўжайинлик қилади.

– Халқни тарбиялашга сафарбар қилинган, тушунаяпсизми, айнан халқни тарбиялашга, инсонга арзимаган чой-чақа тўлаш ўта ақлсизликдир. Ўқитувчининг эски-туски жулдур кийимда юришига, чала-вайрон мактабда зах ва совуқдан қалтираб туришига, ўттиз ёшга етмасдан сил, ревматизм, ларингит касалликларини орттириб олишига сира-сира йўл қўйиб бўлмайди. Ахир бундай ҳолат биз учун, давлат учун шармандалик-ку! Бизнинг ўқитувчилар саккиз-тўққиз ой худди тарки дунё қилган зоҳидларга ўхшаб кун кечиришади: ёлғизликда, кўнгилхушликларсиз, китобларсиз зеҳни паст одамга айланиб қолади. Мабодо бирор ўртоғини суҳбатга чорласа, дарров уни ишончни йўқотганликда, шубҳали шахсликда айблашади. «Шубҳали шахс» – айёр одамлар аҳмоқларни қўрқитиш учун ўйлаб топган нақадар бемаъни сўз!

– Буларнинг барчаси жуда катта ва сермашаққат иш қилаётган одамнинг устидан кулиш, уни беаёв таҳқирлашдир. Биласизми, ўқитувчини кўрганимда унинг тортинчоқлигидан, журъатсизлигидан, ночор кийим-кечагидан, ўта қашшоқлигидан, майиб-мажруҳлигидан ноқулай аҳволга тушиб, уялиб кетаман ва бундай ҳолдан қайсидир маънода ўзимни айбдор ҳис қиламан! У чуқур сукутга кетди ва бироздан сўнг ўйчан аҳволда қўлини силкиб, изтироб билан шундай деди:

– Бизнинг Россия ана шундай бемаъни ва қўпол мамлакат.

Максим Горький.

Жалолиддин САФОЕВ таржимаси.

ОНА ЮРТИМ ЎЗБЕКИСТОН

Бир диёрким, Амударё, Сирлари бор,
Муҳаммаднинг нури тушган пирлари бор,
Қиш-у ёзда чорлаган адирлари бор,
Жисм-у жоним она юртим Ўзбекистон.

Тиллоларга алишмасман тупроғингни,
Нур зиёга тўлдирайин қучоғингни,
Асрагайман ҳар бир чаман ўтлоғингни,
Жисм-у жоним она юртим Ўзбекистон.

Карвонига сарбон бўлган юртбошимиз,
Учмай абад порлайверсин куёшимиз,
Ҳилпирасин мустақиллик байроғимиз,
Жисм-у жоним она юртим Ўзбекистон.

Куйларида Ражабийлар навоси бор,
Рақсларида Мукаррама ибоси бор,
Қизларида Увайсийлар ҳаёси бор,
Жисм-у жоним она юртим Ўзбекистон.

Она юртим, барно юртим жисмимга жон,
Истеъдод-у, илҳомимга бердинг имкон,
Эркаланиб тупроғингда берайин жон,
Жисм-у жоним она юртим Ўзбекистон.

Севинч ХАЙРУЛЛАЕВА,
Юнусобод тумани 96-сонли мактаб ўқувчиси

ОБУНА – 2022!
«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!
Обуна индекси 158

fb.com/milliytiklanish.gazetasi
t.me/milliy_tiklanish_gazetasi
www.mt.uz
milliytiklanish2022@umail.uz

«Milliy tiklanish»
ижтимоий-сиёсий газетаси
www.mt.uz
№7 (1156)
23 февраль 2022 йил, чоршанба

ЯНВАРЬ ОЙИДА ЎҒИЛ БОЛАЛАР КЎП ТУҒИЛДИМИ ЁКИ ҚИЗ БОЛАЛАР?

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг январь ойида республикамизда 69 198 нафар чақалоқ туғилганлиги қайд этилган.
Энг кўп туғилиш Самарқанд вилояти (8 516 нафар)да қайд этилган.
Январь ойида туғилганлар:
Ўғил болалар сони – 35 401 нафар.
Қиз болалар сони – 33 797 нафар.

САИДА ЗУННУНОВА

Ҳикмат

Шайх Али Тантовий ҳикоя қилади:
«Шом (Сурия)да қози эдим. Бир куни дўстларимиздан бириникида тўпландик. Тўсатдан нафасим қаттиқ сиқила бошлади. Дўстларимдан кетиш учун рухсат сўрадим. Улар эса тонггача бирга ўтиришни сўраб, қаттиқ туриб олишди. Лекин менинг бунга тоқатим етмасди. Уларга: «Тоза ҳаводан нафас олишим керак», дедим-да якка ўзим, қоронғуда ташқарига чиқиб кетдим.
Йўлда кетаётиб, бир тепалик ортидан зорланган, ўтиниб илтижо қилаётган овозни эшитиб қолдим. Ўтиб қарасам, ўта ночор ҳолдаги бир аёл йиғлаб Аллоҳга дуо қиляпти. Унинг ёнига бориб: «Эй синглим, нега йиғлаяпсиз?» – деб сўрадим.
У жавоб берди: «Эрим золим, қаттиққўл одам. Мени уйдан ҳайдаб, болаларимни олиб қўйди ва уларни қайта кўра олмаслигимни айтиб қасам ичди. Менинг борар жойим ҳам, ёрдам сўрайдиган кишим ҳам йўқ».
Мен ундан: «Унда нега қозига арз қилмадингиз?» – деб сўрадим.
У йиғлаб: «Менга ўхшаган бир аёл қозининг олдига қандай ҳам етиб бора оларди?» – деди.
Шайх йиғлаб, ҳикоясини давом эттирди:
«Аёл шу сўзларни айтяпти-ю Аллоҳ қозини (яъни ўзини назарда тутяпти) бўйнидан судраб, унинг олдига олиб келганидан бехабар».
Субҳаналлоҳ! Ким унга (қозига) тун қоронғулигида ташқарига чиқиб, аёлдан ҳожатини сўраш ва унинг арзига қулоқ тутиш учун ўз оёғи билан юриб келишни буюрди? Ўзи аёлнинг олдига келиб, ундан арзини сўраб турибди-я! Бу мискин аёл қайси дуони қилган эдики, бунчалик тез суратда, айни кўринишда дуоси ижобат бўлди?!
Эй, ўзини ночор ҳис қилган, дунё зулматдангина иборат, деб гумон қилиб қолган киши! Икки қўлингизни юқорига кўтариб, Аллоҳдан дуо қилиб сўранг! «Бу муаммо қандай қилиб ҳал бўлсин? Иложи йўқ-ку», дема! Балки чумолининг ўтинчини ҳам эшитадиган Зотга тазарруъ, илтижо қил! Шундан кейин ҳам сиқиласанми?!
Аниқ билгинки, сабрдан кейин сизни бир яхшилик кутиб турибди. Аллоҳ таоло сени бирон нарса билан синар экан, албатта, ўшанда сен учун хайр бор. Ҳатто бунинг аксини (келган синов қийинчилик деб) гумон қилган бўлсанг ҳам... Ич-ичингдан хурсанд бўл! Агар синов бўлмаганида Юсуф алайҳиссалом отасининг қучоғида эркаланиб вояга етар эди. Лекин айни шу синов туфайли у Миср Азизи (вазири) бўлди. Шундан кейин ҳам сиқиласанми? Аниқ ишонгинки, машаққатга қилинган сабрдан кейин сени кутиб турган, сени хурсанд қиладиган, алам, оғриқларни унуттирадиган бир яхшилик бор...

289 граммли қулупнай

Исроилда дунёдаги энг катта, 289 граммли қулупнай етиштирилгани қайд этилди.

Гиннес рекордлар китобининг расмий сайти шу ҳақда маълум қилган.

2021 йилнинг 12 февралида ака-ука Ариэллар ўз даласида етиштирган Илан навли йирик қулупнайнинг узунлиги 18 сантиметр, қалинлиги 4 сантиметр, айланаси эса 34 сантиметр экани аниқланганди. Улар қулупнайнинг дунёдаги рекорддан катта эканини билгач, рекордлар китоби сайтига мурожаат қилган, қулупнайни эса музлатиб қўйишган.

Узоқ кутишга тўғри келди, рекорд бир йилдан сўнг масъуллар томонидан қайд этилди. Ариэллар оиласининг қулупнайи ўзидан олдинги – 2015 йилда Япониянинг Фукуока префектурасида қайд этилган 250 граммли қулупнайни ортда қолдирган.

Келинг, бир кулишайлик!

– Ота, 100 ёшга киришингизни сири нимада?
– Ҳеч ким билан, айниқса аҳмоқлар билан ҳеч тортишмадим, болам...
– Бўлиши мумкин эмас?!
– Тўппа-тўғри!

***

Судья:
– Нега сиз нуқул кундуз куни ўғирлик қиласиз?
Айбланувчи:
– Кечаси кўп пул билан юришга қўрқаман-да?!

***

– Ўғлим, ҳеч қачон чиройли қизга уйланма!
– Нимага ада?
– Чиройли қизлар сени ташлаб кетади!
– Хунук қизлар ҳам ташлаб кетиши мумкинку?!
– Кетса-кетавермайдими!

Бу сурат 1993 йил 26 март куни The New York Times газетасида чоп этилган. Сурат америкалик фотожурналист Кэвин Картер томонидан тарихга муҳрланган. Унда очликдан ўлим билан олишаётган суданлик бола ва унинг ўлимини кутаётган ўлаксахўр қузғун акс этган.
Сурат тез орада дунё эътиборини қозонди. Муаллифга машҳур Пулицер мукофоти берилди. Маълум бўлишича, ўшанда Картер ўзига касаллик юқтирмаслик учун болага яқинлашмаган, унга ёрдам бермаган ва зудлик билан бу ҳудудни тарк этган. Шу боис у виждон азоби ва кенг жамоатчилик таъналари таъқибида яшади.
Кўп ўтмай Картер ўз жонига қасд қилди. Аммо бу болакай ўшанда яқин орадаги БМТ ижтимоий ёрдам марказига олиб келинган ва тирик қолган экан...

Ўғли ирок

Йўқламаган ҳар кунинг йилча бўлурми, ҳай-ҳай,
Шунчалик шафқат билмас дилча бўлурми, ҳай-ҳай.

Хуш суратинг бир нафас тарк этмас хаёлимни,
Кўз шаҳло-ю, қош эса нилча бўлурми, ҳай-ҳай.
Ҳар сўзда юз андиша қилғум донолиғингдан,
Кўнглингнинг нозиклиги қилча бўлурми, ҳай-ҳай.

Гоҳ ханжар, гоҳ асалдек сўзларингдан доғдамен,
Жон олиб, жон бергувчи тилча бўлурми, ҳай-ҳай.

Васлингнинг умидида дунёдан ўтиб боргум,
Қаноатда Саида филча бўлурми, ҳай-ҳай.

* * *

Гуллар юзида ханда — бу боғдан ёр ўтдими,
Одатин қилмай канда, яна бедор ўтдими?

Еллар нечун сарсари, кетолмайдилар нари,
Кўнглимнинг моҳ пайкари кўзи хуммор ўтдими?

Райҳонга рашк қилиб гул, бағри қон бўпти буткул,
Яна райҳон ҳидлаб ул, бундан такрор ўтдими?

Ҳар нарсада нур, виқор, ҳатто тупроқ бахтиёр,
Бир-бир босиб беозор, ул беозор ўтдими?

Дилда такрорлаб отин, тилаб умру давлатин,
Сояси бўлиб тағин Саида зор ўтдими?

***

Тарихни сўзлама менга, эй одам,
Битта чалиб бергин «Чўли ироқ»ни.
Битта чалиб бергин, токи яна ҳам
Яхшироқ ажратай қорани, оқни.

Бу куй асрларнинг баридан тортиб
Чўлларда толиққан ҳоргин карвондай
Минг хил тақдирларни устига ортиб,
Қалбимдан жимирлаб ўтади қондай.

Тарихнинг энг олис қатламларида
Армонда ухлаган орзу-аламлар.
Дунё манглайига ажин туширган,
Дардни, қариликни яратган ғамлар.

Саҳро чечагининг аянч кулгиси,
Ёмғирдан жон кирган тупроқнинг иси,
Ҳаммаси ўтади қалбимни ўйиб.
Туя бўйнидаги қўнғироқларнинг
Ташналик эслатган жаранги бўлиб
Ҳаммаси ўтади қалбимни ўйиб.

Тарихни сўзлама менга, эй одам,
Битта чалиб бергин «Чўли ироқ»ни.
Битта чалиб бергин, токи яна ҳам
Яхшироқ ажратай қорани, оқни.

Ҳаддидан ошганга уни чалиб бер,
Дўстлар дийдорини ғанимат билмай,
Саробга шошганга уни чалиб бер!
Чалиб бер, чалиб бер, андиша қилмай.
Ўтмишни сўзлама, ўгит керакмас,
Шу куйни бир марта чалиб берсанг бас.

* * *

Анҳор лабида жуфт-жуфт соялар,
Жилмайиб ўтаман кўз қирин ташлаб.
Гоҳ хаёл қурмагур олиб кетади,
Баҳона топгандай ёшликка бошлаб.

Йўқ-йўқ, мен турмадим ойдин тунларда,
Сувлар ёқасида ишқ ўтида маст.
Мен бундай дамларни йўлга термулиб,
Интизор ўтказдим ҳар он, ҳар нафас.

Ёшлигим, умримни, ҳаловатимни
Мардона топшириб вафо қўлига,
Ойларни, йилларни минутлаб санаб,
Туну кун қарадим ёрнинг йўлига.

Ҳали бегонайдик ажралишганда,
Кўришдик жуда ҳам қадрдон, иноқ.
Юлиб олса ҳамки ҳижрон ёр васлин,
Қилиб кетган экан унга яқинроқ.

Ҳафталик об-ҳаво маълумотлари

Kun	Harorat		Tavsif	Yog'in-garchilik
Chorshanba 23-fevral		+13° +7°	yomg'ir	20%
Payshanba 24-fevral		+13° +9°	bulutli	1%
Juma 25-fevral		+13° +8°	bulutli	4%
Shanba 26-fevral		+15° +8°	bulutli	0%
Yakshanba 27-fevral		+15° +8°	bulutli	4%
Dushanba 28-fevral		+12° +8°	yomg'ir	79%
Seshanba 1-mart		+11° +6°	bulutli	0%

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,
Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАБОЕВ, Баҳодир МАМАТХОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Иброҳим ҒОФУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минҳожиддин МИРЗО, Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одилжон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАММАДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Максуд Шайхзода кўчаси, 1 А-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи мухаррирлар:
Дониёр ТОШБОЕВ,
Равшан МАҲМУДОВ
Навбатчи:
Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн гуруҳи:
Маъмуржон ҚУДРАТОВ,
Лазиз МЕЙЛИКОВ,
Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Адади – 10 017.
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ
Буюртма – 216
Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 00:30

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11
Электрон почта:
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru
ISSN 2010-7714
123456